

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. Азимов Х. Будда динининг Хитойга кириб боришида Марказий Осиёлик роҳибларнинг ўрни (Хитой манбалари асосида) 3
2. Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи 19
3. Муратов А. Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос 30 29
4. Fayzullo F. Amir Temurning fe’l-atvori va yosoqi ta’rifi (Hofizi Abruning “Zubdat at-tavorix” asari asosida) 39

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. Кочкарова Э. Источники по проблеме Российской системы образования в Туркестанском крае 59
2. Алимджанов Б. (История деятельности Верненского (Алматинского) филиала Русско-Азиатского коммерческого банка 71

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Султонов Ў.** Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир 85
2. **Кенжабоева Р.** Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи 97

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Comstock-Skipp J.** Can we really call it the “Bukhara School”? Sheybanid arts of the book in the 16th century..... 106
2. **Олимжонов Ҳ.** Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи *(1870–1889 йиллар)*.....134

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Ҳамроева О.** Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойир ашъор ал-ажам” асари тадқиқи..... 145

Абдуллаева М. Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили 154

ЯНГИ НАШРЛАР

1. **Раҳимжонов Д.** Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри 172
2. **Бўриев О.** Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси 176

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2025 йил 25 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

Ҳ. Олимжонов

Тошкент оммавий кутубхона тарихи
(1870–1887 йиллар)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев пойтахтимиз Тошкент шаҳри тўғрисида “Замонавий ўзбек илм-фани тарихи ва тараққиётини албатта Тошкент шаҳрисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда Тошкент илмий ва маданий марказ, том маънода маърифат ва маънавият шаҳри ҳисобланади. Бу ерда Маракзий Осиёдаги энг йирик Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолият юритмоқда”, дея таъкидлаган [1: 445]. Ушбу кутубхона 150 йиллик тарихга эга бўлиб, унинг очилиши XIX асрнинг 60-йиллирига бориб тақалади.

Дарҳақиқат, Тошкент нафақат ҳозирги кунда балки ўтмишда ҳам маданият макази ҳисобланган. Шаҳарда жуда кўп кутубхоналар бўлган. Улардан бири – Тошкент оммавий кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси)дир. Ушбу кутубхона 150 йиллик тарихга эга бўлиб, унинг очилиши XIX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади.

Тошкент оммавий кутубхонасининг ташкил этилишига доир кўплаб маълумотлар мавжуд. Аввало, Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА)нинг (276-сонли Тошкент оммавий кутубхонаси) фонди, кутубхонашунослик соҳасига бевосита алоқадор бўлган библиографларнинг шахсий (Е.К.Бетгер) фонди, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган (Н.В.Дмитровский, А.Добросмыслов, Е.Литкин) нодир нашрлари ҳамда жойларда кутубхоналар ва таълим муассасалари кутубхоналарининг ташкил этилишида фаол иштирок этган жадидчилик ижтимоий ҳаракатининг маърифатпарвар зиёлиларининг китоблари ва матбуотда нашр этилган мақолаларини қимматли манбалар сифатида эътироф этиш мумкин.

XIX аср ўрталарига келиб Тошкентда замонавий тартиб-қоидаларга эга кутубхонага асос солинган. У 1865 йилдан Тошкент оммавий кутубхонаси деб юритила бошланган. ЎзМАда сақланаётган кутубхона тарихига доир ҳужжатлардан маълум бўлишича

кутубхонанинг 400 дан ортиқ китоб ва матбуот нашрлари бўлган. 1868 йилга келиб бу китоблар Россия империяси маъмуриятининг эътиборини торта бошлайди. Биринчи бўлиб Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман (1818–1882) бу кутубхонани кенгайтиришга ва китоблар билан тўлдиришга ҳаракат қилади.

Тошкент оммавий кутубхонасининг очилиш тўғрисида А.Добросмислов (1854–1915) "Туркистон оммавий кутубхонаси ва музейи" номли тарихий очеркида "1870 йилда 2200 нусха китобга эга бўлган Тошкент Оммавий кутубхонаси очилди", деб ёзган [4: 25]. Кутубхона фаолияти билан шахсан таниш бўлган (кутубхонанинг биринчи директори) Н.В.Дмитровский (1841–1910) **"**Туркистон оммавий кутубхонасининг 25 йиллиг"ги номли мақоласида кутубхонани 1870 йил май ойининг охирида очилган деган маълумотни қайд этган [4: 10]. Кутубхонанинг дастлабки китоблар каталогини тузган, библиографик таснифлаган ҳам айнан Н.В.Дмитровский ҳисобланади [3: 452]. Кутубхонанинг илмий ҳодими ва директори бўлиб ишлаган Е.К.Бетгер (1887–1956) маълумотларига кўра, бу муассаса 1870 йил 7–12 июнда очилган [2: 75–78].

Тадқиқотчилар О.Қосимов ва Т.Есимовнинг маълумотларига қараганда 1871 йил сентябригача кутубхонада жами 75 нафар китобхонга хизмат кўрсатилган. Шундан, 45 таси ҳарбий, 19 таси маъмурият ходими, 2 таси ҳарбий ёзувчилар, 1 таси маҳаллий билим юрти талабаси, 1 таси аёл киши бўлган [8: 13].

Дастлаб кутубхона Тошкентдаги генерал-губернатор девонхонаси ёнидаги бинонинг иккита хонасида жойлашган бўлиб, китобларнинг асосий қисмини Тошкент босиб олинганда маъмурий идоралардан, маҳаллий аҳоли вакилларининг шахсий кутубхоналаридан тортиб олинган китоблар ва 1870 йилда Тошкентда ташкил этилган китоб чоп этиш нашриёти манбалари, шунингдек, Россия илмий жамиятларидан келтирилган китобларни ташкил қилган [8: 5].

ЎзМАдаги кутубхонага оид ҳисоботларда 1873–1875 йилларда кутубхонадан пуллик (1-жадвал) ва бепул (2-жадвал) фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумот кўрсатилган [11: 138].

Қисқа вақт ичида китоблар кўпайиб, 1876 йилда 4401 нусхани ташкил этади. Кутубхона жойлашган бино эса торлик қила бошлагани боис, китобларни бошқа жойга кўчириш масаласи кўриб чиқилади. Шу мақсадда 1876 йилда китоблар фуқаро Гулуховский шахсий уйининг 11 та хонасига, ойига 600 рубл тўлаб туриш шарти билан кўчириб ўтказилади. 1877 йилдан кутубхона учун тўлов нархи 900 рублга ошади. Кутубхона бу ерда 1877 йилдан 1883 йилгача сақланган. Ўтган уч йил ичида, яъни 1876–1878 йилгача кутубхонага 400 рублга 1000 нусха китоб, журнал ва газета сотиб олинади. 1877 йилда генерал-губернатор хўжалик бўлимидан 3242 нусха китоб кутубхонага олиб келинади. 1879 йилда кутубхона ходимлари учун 2500 рубл, китоблар сотиб олиш учун 650 рубл ажратилган [12: 30].

1876 йилда Тошкент оммавий кутубхонасида рус, француз, немис, испан, поляк тиллардаги китоблар бўлган (3-жадвал) [11: 87].

1876 йил 14 сентябрда Кауфман буйруғи билан “Кутубхона комиссия”си тузилади. Биринчи кутубхона комиссияси таркибида В.Ф.Ошанин (1844–1917) ҳам бўлган. 1879 йилда комиссия таркиби янгиланиб Н.П.Остроумов (1846–1930) ва М.А.Миропиевга (1852–1919) ўзгартирилади [4: 10].

1877 йилда кутубхонада ҳарбий ва денгиз илми, география, статистика ва санъатшунослик, тарих ва хронология, қишлоқ хўжалиги, фантастика, рисолалар ва турли хил мазмундаги китоблар мавжуд бўлган [7: 123].

Шарқшунос Б.Лунин (1906–2001) ҳам кутубхона фаолиятига оид қизиқарли маълумотлар акс этган мақолалар эълон қилиб борган [9: 123]. Бу мақолалардан маълум бўлишича 1882 йилда Туркистон генерал-губернатори этиб М.Г.Черняев (1828–1898) тайинланган ва мазкур лавозимда атиги икки йил ишлаган. Бу давр ичида у ён-атрофидаги ходимлар ва ишчиларни танлашда жуда кўп хатоларга йўл қўйган. Унинг ишончли одамларидан бири В.Крестовский (1839–1895) Тошкентда очилган оммавий кутубхонани “зарарли либерал китоблардан тозалашни лозим топди ва катта тиришқоқлик билан тўпланган кутубхонани йўқ қилишга уринди. Бу маҳаллий аҳоли орасида адолатли танқидга сабаб бўлди”, деб ёзган [4: 124].

1882 йил 13 декабрда Туркистон генерал-губернатори М.Г.Черняевнинг Тошкент омавий кутубхонасини ёпиш тўғрисидаги

312-сонли буйруғи қабул қилинди [4: 12]. Бу тўғрисида А.Добросмыслов шундай ёзади: “Ўлкани текширган фон Берг, Тошкент оммавий кутубхонасининг китобхонлари сони 320 нафарни ташкил қилишини ва кутубхона учун ҳар йили 400 рубл сарфланаётганини аниқлаган. Бу эса Россия иқисодиётига катта зарар етказишини баҳона қилиб, кутубхонанинг фаолияти тўхтатилишига сабабчи бўлади. Бу вақтда кутубхона директор М.Г.Чуйко (1872–1884 йилларда бошқарган) бўлиб, унинг томонидан ёзиб қолдирилган ҳисоботга қараганда 1883 йил 1 январдан ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шарти билан кутубхона фаолияти давом эттирилади. М.Г.Черняевнинг 1883 йил 13 декабрдаги янги 313-сонли буйруғига кўра, кутубхона комиссияси таркиби қайта тузилад [4: 17].

Тарихчи М.Вахобовнинг қайд этишича, 1883 йил 1 январга келиб Туркистон ўлкасидаги кутубхоналарда жами 13040 нусха китоб мавжуд бўлган. Шундан, 2496 таси Туркистон ҳарбий губернаторлигига, 846 таси Туркистон ўлгаси ҳарбийларни ўқитиш марказига, 514 таси Тошкент ҳарбий шифохонасига, қолган 9181 таси Тошкентда ташкил қилинган музей сақловхонасида ва генерал-губернатор девонхонасида сақланарди [10: 8].

М.Г.Черняевнинг кўрсатмасига асосан китоблар Тошкент музейнинг икки хонасига кўчириб келтирилади. Кутубхона музейнинг ***китоб сақлаш хонаси*** деб юритилади. Бу ерда китоблар 1884 йилгача сақланади [4: 11].

1884 йилда М.Г.Черняев ўрнига ўлкага генерал-губернатор этиб тайинланган Н.О.Розенбах (1836–1901) кутубхона фаолиятини қайта тиклаб, олдинги ҳолатига қайтаришга эришади. У 1882 йилдаги 312-сонли буйруқни бекор қилиб, 1884 йил 2 августдаги “Музейга бириктирилган Тошкент оммавий кутубхонаси” тўғрисидаги 197-сонли буйруғини қабул қилади. Н.О.Розенбахнинг мазкур буйруғига мувофиқ Тошкент оммавий кутубхонаси ва музейи ҳамда ўлкадаги бошқа муассасалар қошидаги кутубхоналарни бошқариш мақсадида олдинги “Кутубхона қўмитаси” ўрнига “Кузатув қўмитаси” тузилади. Унинг таркибида Н.П.Остроумов, К.И.Грацианский, П.И.Азначеев, В.Ф.Ошанин, С.М.Граменицкий, Н.А.Маев, Н.В.Дмитровский ва бошқалар бўлган [4: 11].

1887 йил 13 январдан кутубхона номидаги Тошкент, Туркистон сўзи билан алмаштирилиб “Туркистон оммавий кутубхонаси” деб ўзгартирилади. Бу ном 1906 йил 26 августгача, яъни янги губернатор Д.И.Субботич (1852–1920) давригача сақланиб қолади. 1906 йилдан 1919 йилгача “Туркистон халқ кутубхонаси” деган ном билан фаолият олиб борган [4: 14.].

Кутубхонада Ўрта Осиёга оид жуда кўп китоблар сақланган, айниқса, “Туркистон тўплами” муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Тўпламни машҳур библиограф В.И.Межов (1830–1894) 1887 йилгача мунтазам тузиб боради ва 1920 йилда 416 томини тайёрлаб, 3 марта алифбо ва системали кўрсаткичлар билан нашр қилдиради [1: 76]. Тўплам 20 йиллик танаффусдан сўнг 1907 йилда Н.В.Дмитровский, А.А.Семенов (1873–1958), Е.К.Бетгер каби библиографлар томонидан давом эттирилади. Шундай қилиб, 1870–1887 йилларда кутубхона библиографлари саъй-ҳаракатлари билан маҳаллий литографик босмахоналар нашр салмоғи кунда-кунга кўпайган. Китобхонлар ҳам кўпайиб, маҳаллий аҳоли орасида тилшунослик ва оғзаки адабиётларга бўлган эҳтиёж ортиб борган.

“Кузатув қўмитаси” қайта тиклангандан сўнг, кутубхонада ҳеч қандай текширув ишлари олиб борилмайди. Охирги маълумотларга қараганда бу вақтда кутубхонада 80 минг китоб бўлган. 5-жадвалда 1906–1908 йилларда кутубхонадан фойдаланган китобхонлар тўғрисида маълумот қайд этилган [12: 15].

Китобхоналар одатда йилига 2 рублдан 5 рублгача гаров тўлашган [5]. Китобхонларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилган. Ўша вақтда кутубхонага ҳар куни 40 нафардан 80 нафаргача, йилига эса 12 мингдан 20 мингача китобхон ташриф буюрган. 6-жадвалда Туркистон оммавий кутубхонасини ташкил топгандан то 1904 йилгача бошқарган раҳбарлари тўғрисида маълумот берилган [8: 16–17].

Хулоса қилиб айтганда, кутубхоналар давр тақазоси ва халқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб вужудга келади. Уларнинг фондлари эса асрлар давоми шаклланади. Бугун мамлакатимиздаги энг йирик ва бой Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ташкил топганига бир ярим асрдан ошди. Мазкур давр мобайнида кутубхона фондлари кенгайиб, унда энг қадимдан то ҳозирги кунгача

бўлган тарихий асарлар, нодир нашрлар ва замонавий хорижий адабиётларни қамраб олган бўлимлар шаклланган.

1-жадвал

Китоблардан бепул фойдаланган китобхонлар рўйхати

№	Йиллар	Китобхонлар сони
1	1873 йил	77 нафар
2	1874 йил	99 нафар
3	1875 йил	111 фар

2-жадвал

Кутубхонадан пуллик фойдаланувчилар тўғрисида маълумот

№	Йиллар	Китобхонлар сони *(нафар)*	Тўланган маблағ иқдори	
			рубл	Копейк
1	1873 йил	82	262	89
2	1874 йил	86	218	75
3	1875 йил	80	193	42

3-жадвал

1876 йилда кутубхонадаги китобларнинг тилига оид тасниф

№	Китобларнинг тили	Китобларнинг неча номдалиги	Китобларнинг сони
1	Рус тилидаги китоблар	1630	2837
2	Француз тилидаги китоблар	492	801
3	Немис тилидаги китоблар	422	639
4	Бошқа тиллардаги китоблар (немис, испан, поляк тиллари)	107	124
Жами:		**2651**	**4401**

4-жадвал

1877 йилда кутубхонадаги китобларнинг соҳага оид таснифи

№	Бўлимнинг номи	Китобларнинг турлари бўйича сони	Китоблар-нинг неча нусхадалиги
1	Ҳарбий ва денгиз илмига оид фанлар	1779	1781
2	География, статистика ва санъатшунослик фанлари	1354	1739
3	Тарих ва хронология	138	272
4	Қишлоқ хўжалиги	113	114
5	Фантастика	123	144
6	Рисолалар ва турли хил мазмундаги китоблар	267	392
Жами:		**3774**	**4442**

5-жадвал

1908-йилларда кутубхонадан фойдаланган китобхонлар тўғрисида маълумот

№	Йиллар	Китобхонлар сони	Китобхонлар томонидан қилинган тўловлар		Умумий ўқилган китоблар сони	Ўқув хонасида ўқилган китоблар сони
			рубл	Копеек		
1.	1906	379	688	40	10349	12473
2.	1907	595	825	50	17318	8261
3.	1908	711	1014	45	20113	5310
Жами:		**1685**	**2627**	**35**	**47780**	**26044**

6-жадвал

Туркистон оммавий кутубхонасини ташкил топгандан то 1904 йилгача бошқарган раҳбарлари тўғрисида маълумот

Т/р	И.Ф.О.	Маълумоти ва мутахассислиги	Бошқарган йиллари
1.	Николай Васильевич Дмитровский	Шарқшунос	Кутубхона очилгандан то 1872 йил 14 июнгача
2.	Виктор Викторович Чуйко	Мусиқачи	1872 йил 14 июндан1884 йил 12 январгача
3.	Пётр Николаевич Малиневский	Маълумотли	1884 йил 12 январдан 1888 йил 26 июлгача
4.	Николай Карпович Емельянов	Шарқшунос, кутубхоначи	1888 йил 26 июлдан 1891 йил 14 июнгача
5.	Николай Васильевич Гурьянов	Олий маълумотли филолог	1891 йил 28 июлдан 1893 йил 2 июлгача
6.	Семён Александрович Лидский	Физик-математик	1893 йилдан 7 июлдан 1899 йил 9 июлгача
7.	Николай Дмитриевич Ярцев	Маълумотли	1899 йил 29 августдан 1900 йилгача
8.	Иософ Феликсович Плят	Юристконсульт	1900 йил 29 августдан 1904 йил 13 августгача
9.	Иван Петрович Зыков	Юристконсульт	1905 йил 1 январдан ...

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бетгер Е.К. Из истории книжного дела в Узбекистане (К 70–литию появления первой узбекской литографической книги) / Известия Акад. Наук Уз ССР. 1951. № 2. С. 75–78.
2. Дмитровский Н.В. Библиографический указатель книг и статей по Средней Азии с конца прошлого столетия по 1869 г. // Материалы конференции по теме: “Двадцати пятилетие Туркестанской публичной библиотеки”. Вып. III. Санкт–Петербург, 1874. С. 102–110.
3. Добросмыслов А. Туркестанская публичная библиотека и музей / Исторические очерк. Ташкент, 1910.
4. Кулдашев М.М. Туркистон ўлкаси ҳуқуқининг манбалари (1864–1917) / Юридика фанлар номзоди ... дисс. Самарқанд, 2005.
5. Лунин Б.В., В.В.Бартольд и Туркестанская публичная библиотека / В. Кн.: Библиотека Узбекистана. Сборник материалов и библиотеки библиотечного дела. Ташкент, 1978. Вып. 5. С. 123–149.

6. Лыткина Е. Библиотечное дело в Ташкенте до 1917 г. / дисс... кандидат на соиск. Ташкент, 1958.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олинжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, 2017.
8. Труды государственной публичной библиотеки УзССР. Т.1. Юбилейный 1870–1935. LXV. Ташкент, 1935.
9. Туркестанская публичная библиотека / В кн. Вахобов М. Ташкент в период трехреволюционний. Ташкент, 1957. С. 23–34.
10. ЎзМА И-1-фонд, 13-рўйхат, 219-йиғмажилд.
11. ЎзМА И-1-фонд, 16-рўйхат, 2263-йиғмажилд.
12. ЎзМА И-1-фонд, 35-рўйхат, 35-йиғмажилд.
13. Қосимов О., Есимов Т. Умумий кутубхонашунослик. Тошкент, 1994.

Ҳ. Олимжонов

Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи
(1870–1889 йиллар)

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси ҳарбийлари ўзбек хонликларига ҳарбий юришларини бошлаб, дастлаб Тошкент шаҳрини босиб олади. 1865 йилда Россиянинг илмий жамоатчилик вакиллари бу ерда илмий муассаса ва жамиятларининг филиалларини очишга ҳаракат қилди. Маҳаллий аҳоли ўртасида кўп қиррали тадқиқот, маданий-маърифий ишларни бошлади. Уларнинг аксарияти Туркистонни табиий бойликлари, унинг тарихи, маданияти, тили ва ҳаётини чуқур ўрганишга бағишланди.

Мақолада Тошкент шаҳри Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг, мустамлакачилик шароитига қарамай ташкил қилинган кутубхона тўғрисида маълумот берилади. Тошкентда очилган ушбу кутубхона 1870 йилдан Тошкент оммавий кутубхонаси деб номланган. 1904 йилдан Туркистон халқ кутубхонаси деб аталган. Шунингдек, тадқиқотда Тошкент оммавий кутубхонанинг ташкил этилишига доир Ўзбекистон Миллий архивининг 276-сонли “Тошкент оммавий кутубхонаси” фонди, кутубхонашунослик соҳасига бевосита алоқадор бўлган библиографларнинг шахсий фондлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган

нодир нашрлар ҳамда жойларда кутубхоналар ва таълим муассасалари кутубхоналарининг ташкил этилишида фаол иштирок этган жадидчилик ижтимоий ҳаракатининг маърифатпарвар зиёлиларининг китоблари ва матбуотда нашр этилган мақолаларидан унумли фойдаланилди.

Калит сўзлар: *Туркистон, китоб, кутубхона, каталог, библиограф, архив, архив фонди.*

Х. Алимджанов

История Ташкентской публичной библиотеки
(1870–1889 гг.)

Во второй половине XIX века военные Российской империи начали военный поход против узбекских ханств, сначала заняв город Ташкент. В 1865 году представители русского научного сообщества пытались открыть здесь филиалы научных учреждений и обществ. Они начали разностороннюю исследовательскую и культурно-просветительскую работу среди местного населения. Большинство из них посвятили себя не только изучению природных богатств Туркестана, но и углубленному изучению его истории, культуры, языка и жизни. В статье представлена информация о библиотеке, которая была создана после захвата Ташкента Российской империей, несмотря на колониальные условия. Открывшаяся в Ташкенте, эта библиотека с 1870 года носила название Ташкентской публичной библиотеки, а с 1904 года Туркестанской народной библиотекой. При подготовке статьи использованы документы из фондов Национального архива Узбекистана и редких книг из Национальной библиотеки Узбекистана им. Алишера Навои.

Исследовались также Фонд Ташкентской публичной библиотеки № 276 Национального архива Узбекистана, личные фонды библиографов, непосредственно занимающихся библиотечным делом, редкие публикации Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои и общественное движение Джадидов. Эффективно использовались книги просвещенной интеллигенции и статьи, опубликованные в прессе.

Ключевые слова: *Туркестан, книга, библиотека, каталог, библиограф, архив, архивный фонд.*

Kh.Olimjonov

History of the Tashkent public library
(1870–1889)

In the second half of the 19th century, the military of the Russian Empire began a campaign against the Uzbek khanates, first occupying the city of Tashkent. In 1865, representatives of the Russian scientific community tried to open branches of scientific institutions and societies here. They began a multifaceted research, cultural and educational work among the local population. Most of them devoted Turkestan not only to the study of its natural resources, but also to an in-depth study of its history, culture, language and life. This article provides information about the history of the Tashkent Public Library, which opened in 1870 in Tashkent. In 1904, the Tashkent Public Library was renamed the Turkestan People's Library. Documents of the National Archive of Uzbekistan and rare books of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi were used in the preparation of the article.

The Tashkent Public Library Foundation No. 276 of the National Archives of Uzbekistan, personal funds of bibliographers directly involved in the field of librarianship, rare publications in the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi and the Jadid social movement, which took an active part in the establishment of local libraries and libraries. books of enlightened intellectuals and articles published in the press were used effectively.

Key words: *Turkestan, book, library, catalog, bibliograph, archive, archive fund.*